
ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ 3 ЁШДА

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ ЮКСАК МАҚСАДЛАР САРИ ОДИМЛАЁТГАН ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШДАГИ ЯНГИЧА ЎЗБЕКИСТОНГА ХОС ВА МОС ТАРЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. ЗЕРО, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАК ИШОНЧИ, ЭЗГУ ОРЗУ ВА УМИДЛАРИ АНА ШУ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПАЁТИР.

Бутунлай замонавий кўриниш ва дизайн касб этган марказнинг янги биносида айни кунда 140 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Уч йил давомида мобил тартибда 500 дан ортиқ тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказилди. Уларнинг 150 га яқини сайёр хизматлар давомида фаолияти қайта тикланди. Бувайда МФЙ ҳудудида Давлат хизматлари маркази филиалини очиб, “Сиз қаерда бўлсангиз, биз ҳам ўша ердамиз”, “Сиз келманг, ўзимиз борамиз!” тамойиллари асосида 4 мингдан ортиқ фуқароларга сайёр давлат хизматларини кўрсатмоқдамиз. 3 ёшга тўлган Давлат хизматлари марказимиз фаолиятини янада изчил йўлга қўйиб фуқароларимиз ишончини оқлаб, намунали хизмат кўрсатишга бор билим ва кучимизни сарфлаймиз. А. ҚОДИРОВ, туман ДХМ катта инспектори.

2020-12-11 14:54:00